

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2018
октябрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.МАДРАХИМОВ, С.КУКИЕВА

Тартибли статистикаларнинг чегаравий хоссалари 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.ДЖУРАЕВ, Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ

Пахта тозалагич кўп қиррали тебранувчи колосникларнинг параметрларини асослаш 8

А.АБДУКАДИРОВ, Г.АКРАМОВА

Ностационар уч фазали фильтрациянинг чегаравий масалалари сонли ечимининг математик моделлари 13

С.АБДУРАХМОНОВ, И.БИЛОЛОВ

Замонавий электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича тавсиялар 17

КИМЁ

М.АХМАДАЛИЕВ, И.АСҚАРОВ

Фурфурол асосидаги товар маҳсулотларини халқ хўжалигидаги аҳамияти (обзор) 22

М.ИМОМОВА, Б.АБДУГАНИЕВ

Мотор мойларини кимёвий таркиб бўйича тўғри таснифлашда инфрақизил спектрометри метрологик аттестатлаш дастури асосида текширишнинг аҳамияти 26

Ш.ТУРҒУНБОЕВ, Р.РАХМОНБЕРДИЕВА*Aconitum leucostomum* ўсимлигининг сувда эрувчан полисахаридлари 29

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.НАЗАРОВ

Ховузларда балиқчиликни ривожлантириш учун табиий озукा базасидан фойдаланишининг аҳамияти 32

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

О.С.БЕЗУГЛОВА, Г.ЮЛДАШЕВ, М.Т.ИСАГАЛИЕВ

Қатор касалликларнинг педобиогеокимёвий асослари 35

Ғ.ЮЛДАШЕВ, У.МИРЗАЕВ

Суфориладиган арзиқ – шохли тупроқларнинг антропоген омил таъсиридаги эволюцияси 40

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҮРИНОВ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш орқали аҳоли бандлигини ошириш 44

З.ТОЖИБОЕВ

Иқтисодий ривожланишининг турли босқичларида табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ҳамда экологик иқтисодиётнинг роли ва ўзаро муносабатлари тўғрисида 48

К.КУНДУЗОВА

Суғурта ташкилотларида аудитнинг ўзига хос хусусиятлари 53

ТАРИХ

Қ.РАЖАБОВ

Шоир Ҳамзанинг сирли ўлимига оид мuloҳазалар 59

О.МАҲМУДОВ

Ali boroni-ми ёки Alberinius? Нюанс: ал-Беруний асарларининг вропадаги дастлабки таржималарига оид айrim мuloҳазалар 64

Б.МИРЗАДЖАНОВ

Туркистонда большевиклар кадрлар тайёрлаш механизмининг шаклланиши 69

Н.ИСРОИЛОВ

Амир Темур ва Тўхтамишон муносабатлари Люсьен Кэрэн талқинида 73

Г.СЕЙДАМЕТОВА

1960-1970 йилларда Қорақалпогистонда шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг шаклланиши тарихига назар 76

УДК: 631.445.55.

СҮФОРИЛАДИГАН АРЗИҚ – ШОХЛИ ТУПРОҚЛАРНИНГ АНТРОПОГЕН ОМИЛ ТАЪСИРИДАГИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

F.Юлдашев., У.Мирзаев

Аннотация

Мақолада Марказий Фарғонадаги ўтлоқи саз тупроқлар мисолида тупроқлар тадрижий ривожланишининг ҳозирги давр тараққиётидаги антропоген омили таъсири ёритилган.

Аннотация

В статье освещена роль антропогенного фактора в процессе современного эволюционного развития орошаемых лугово-сазовых почв Центральной Ферганы

Annotation

This article deals with role of the anthropogenic factor in the process of modern evolutionary development of irrigated meadow saz soils in Central Fergana.

Таянч сўз ва иборалар: антропоген омил, морфология, тадрижий ривожланиш, арзиқ, шўх, гипс, карбонат, сувда осон эрувчи тузлар.

Ключевые слова и выражения: антропогенный фактор, морфология, эволюционное развитие, арзық, шох, гипс, карбонат, легкорасторимые соли.

Keywords and expressions: anthropogenic factor, morphology, evolutionary development, arzik, shokh, gypsum, carbonate, easily soluble salts.

Ўтган асрнинг 30-50 йилларидан бошлаб ўзлаштирила бошланган Марказий Фарғона чўли ҳудудидаги тупроқлар бевосита инсон омили таъсирида кенг қамровли ўзгаришларга юз тутиб, бошқа хосса–хусусиятлар каби морфогенетик тузилишида ҳам ўзининг турғун даврида шаклланган ҳолатига нисбатан ўзгача кўриниш касб этди. Ўтган вақт давомида ҳудудда шаклланган тупроқларнинг генезиси, тадрижий ривожланишига доир тадқиқотларда мазкур тупроқларнинг ўзига хос омиллар таъсирида шаклланиб ривожланаётганлиги қайд этилган [2.83-110;4.77]. Эндилиқда эса тупроқлар кесмасидаги ўзгаришларда антропоген омилнинг етакчилик таъсирига етарлича ургу берган ҳолда ёндашиш, улар тадрижий ривожланиши жараёнини янада ёритиш имконини бериши мумкин.

Маълумки, тупроқларнинг тадрижий ривожланиш жараёнини ўрганиш улар кесмасида юз бераётган ўзгаришлар йўналишини аниқлаш ҳамда бу орқали келажакда уларни асраш ва унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва оқилона фойдаланиш каби кўплаб масалаларни ҳал этишининг мажмуавий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишида муҳим муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот обьекти бўлиб Марказий Фарғонада шаклланган ўтлоқи саз тупроқлар ҳисобланди. Дала тадқиқотларини бажаришда тупроқ кесмаларини геокимёвий-географик кесим бўйлаб жойлаштириш усули қўлланилди. Шунингдек, В.В.Докучаев номли тупроқшунослик

институтининг Методик тавсияларидан [3] фойдаланилди.

Муайян ҳудуд учун тупроқ ҳосил бўлиши ва ривожланишининг етуклиқ босқичи унинг маълум бир тупроқ типи доирасидаги генетик қатламлари ва унга хос хосса ва хусусиятлар, шунингдек, унумдорликнинг барқарор даражасини шаклланиши билан тавсифланади.

Экологик шароитларнинг ўзгариши тупроқ геокимёвий хусусиятларини ўзгаришига, у орқали тадрижий ривожланиш босқичига ўтказади [5.34-37] ва, натижада, тупроқ кесмасидаги генетик қатламларнинг, унинг табии хосса ва хусусиятлари ўзгара бошлайди ва табии унумдорлик даражасининг ортишига олиб келади. Шунга мувофиқ тупроқнинг хоссаларини ҳам уч гурухга ажратиш мумкин, яъни тупроқ пайдо бўлиш жараёнида она жинслардан мерос бўлиб ўтган “қолдиқ” хусусиятлар, экологик муҳитнинг турғун давридаги тупроқ ривожланишида юзага келган хусусиятлар ва, ниҳоят, тупроқнинг эволюцион ривожланиши жараёнида пайдо бўлган хусусиятлар.

Шундай қилиб, тупроқлар тадрижий ривожланиши деганда, аллақачон ривожланган тўла профилли тупроқларнинг бутун табиий муҳит эволюцияси билан боғлиқ ҳолда ўзгариши тушунилади. Бунда тупроқнинг бир генетик тип ёки типчаси бошқа генетик тип ёки типчага ўтиши мумкин. Тупроқ профилида олдинги тупроқ пайдо бўлиш босқичига хос бўлган хусусиятлар аста-секинлик билан сўна бошлайди ёки трансформацияланади ва тупроқ пайдо бўлишининг янги босқичига мос равишда янги белгилар шаклланади.

*F.Юлдашев – ФарДУ, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
У.Мирзаев – ФарДУ, биология фанлари номзоди, доцент.*

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.Б.Докучаев кўрсатиб ўтган тупроқ ҳосил қилувчи омиллар мувозанатда бўлган турғун (климакс) даврларда тупроқ генетик горизонтларида ўзгаришлар суст ифодаланади ва бунда тупроқ қопламида тизимли равишда катта ўзгаришлар кузатилмайди.

Маълумки, тупроқ ҳосил қилувчи омиллар таъсир даражаларига кўра айrim йўналишларда ўзаро тенг кучли эмас. Масалан, улар таъсирининг географик кўламига кўра икки гурухга бўлинади.

Биринчи гурухга кенг географик масштабдаги қуруқликнинг улкан ҳудудларига таъсир кўрсатувчи омиллар - иклим, организмлар ва ўлканинг ёши киради. Тупроқ типларининг бир-биридан кескин фарқ қиладиган гурухларининг географик жойлашиш қонунияти ана шу омиллар нисбатига боғлиқ. Тупроқ ҳосил қилувчи жинслар, рельеф, микроклимат ва инсон фаолияти иккинчи гурух омилларига киради. Бу омиллар тупроқ типи ичидаги кичикроқ таксономик бирликларга ички типчалар, тупроқ айримларининг пайдо бўлиши тури даражада таъсир кўрсатади.

Мазкур омиллар орасидаги мувозанат инсоният, кишилик жамияти ижтимоий формациялари ривожланишининг юқори босқичларигача табиий омиллар таъсирида бузилишга учраган. Асрлар давомида мувозанатда турган экологик омиллар инсоннинг механик, суғориш ва шунга ўхаша кенг қамровли таъсирлари натижасида бузилиб, кўриқ ҳолатда ётган тупроқ қатламлари кенг ўзгаришларга учради. Антропоген омилнинг таъсири, хусусан, Марказий Фарғонада қуйидаги йўналишларда яхши кўринади:

- 1) табиий қўриқ ҳолдаги нотекис ерларни планировкалаш;
- 2) ерларни суғориш, суғориш сувлари келтирилмаларини, яъни муаллақ лойқали жинсларнинг ётқизилиши;
- 3) коллектор-зовурлар мажмуасини барпо этиш орқали сув тизимишининг ўзгариши;
- 4) ерни ишлаш тизимлари, табиий ўсимликлар ўрнини алмашлаб экиш тизимидағи экинлар эгаллаши, ўйтлаш тизимлари каби мажмуавий тадбирлар;
- 5) шўр ювиш ва шу каби бошқа гидромелиоратив ва агромелиоратив шароитлар.
- 6) иккиласми шўрланиш, ҳайдов ости қатлами зичлигининг ортиши;
- 7) янги ўзлаштирилган ерларда дастлабки босқичда дегумификация жараёнининг жадаллашуви ва бошқалар.

Тупроқларнинг генетик қатламларидаги ўзгаришларни ўрганиш учун танланган Марказий Фарғонанинг суғориладиган тупроқлари асосан ўтган асрнинг 30-50-йилларидан сўнг ўзлаштирилган, тип даражасида ажратилган

арзиқли ўтлоқи-саз тупроқлар ҳисобланади. Мазкур тупроқлар кесмаси минтақадаги ўтлоқи-саз тупроқлар кесимидан алоҳида ўзига хос қатламлари, гипсли, арзиқли, шўхти, гипсарзиқли, арзиқ-шоҳли қатламлар шаклланганлиги билан фарқ қилади.

Арзиқли тупроқларнинг кесим тузилиши ва морфологияси ҳудуднинг бошқа тупроқларидан кескин фарқ қилади. Уларнинг тупроқ ва тупроқ таги жинслари кесимида геокимёвий моддаларнинг, уларнинг миграцияси ва аккумуляцияси қонунига мос бўлган аниқ табақаланиши кузатилади. Арзиқли тупроқлар тупроқ-грунт кесимининг қуий қисмида кальций ва магний карбонатлари, ўрта қисмида гипс ва карбонатлар, юқори қисмида эса гипс ва сувда осон эрувчи тузлар тўплланган. Бу бирикмаларнинг кўп миқдорда тўпланиши уларнинг ўзига хос бўлган мос қатламларни – шўхти, арзиқли, гипсли ва шўрхокли қатламларни шакллантирган ва шу муносабат билан арзиқли тупроқларнинг тупроқ кесими уч қаватли ёки уч ярусли тузилишга эга [1.42-83]. Кесманинг энг устки қавати арзиқ усти ёки чин тупроқ қатлами номи билан юритилади. Бу қатлам саёз ва чукур арзиқли тупроқ туркумларида майда жинсли тупроқ массасидан таркиб топган бўлиб, унда 10 % гача гипс бўлиши мумкин. Юза арзиқли тупроқ туркумларида эса кесимининг устки қисми 20-30 % ва ундан ҳам кўпроқ миқдордаги гипсни сақлаган гипсли қатламдан иборат. Қатламда сувда осон эрувчан тузлар ҳам мавжуд бўлиб, шўрланиш даражаси кучсиздан кучли даражагача ўзгариб тuriш хусусиятига эга.

Арзиқли тупроқлар кесимининг ўрта қавати икки, уч ва ундан кўпроқ арзиқли қатламчалардан ташкил топган бўлиб, таркибида миқдори 10% дан 70% гача гипсни ва 15 % дан 40 % гача бўлган карбонатларни сақлаши мумкин. Арзиқли қатламлар ҳам ўзида енгил эрувчан тузларнинг турли миқдорини сақлади, тузларнинг бир қисми гипс кристаллари ва арзиқ ҳосилаларининг ичидаги жойлашган. Арзиқли қатламлар зич қовушмали бўлиб, қатлам ичидаги кўпинча кучли цементлашган қаватчалар ҳам учрайди. Уларнинг аэрация ғоваклиги жуда кичик, сувни ўтказиш ва ушлаб қолиш қобилияти ёмон.

Кесимининг қуий қисми шўх қавати бўлиб, конкретияли, яхлит ёки фрагментли цементлашган ва бўшоқ қатламчалардан ташкил топган. Қатламчалар таркибий массасининг 30-60 % и кальцит, доломит, магнезит ва бошқа карбонатли ҳамда сульфатли минераллардан иборат.

Қўриқ арзиқли тупроқлар ўтган асрнинг 70-йиллари охирида Исфайрам-Шоҳимардонсоид туташ ёйилма конусларининг шимоли-ғарбий

четки қисмларида ва күл-пролювиал текисликнинг суғориладиган ерлари ичидаги кичик майдонларда ва қумли даҳаларнинг шўрхок комплексларида жойлашган (2.83-110). Ҳозирги вақтда эса арзиқли тупроқлар тарқалган ҳудудларнинг деярли ҳаммаси суформа дехқончилик доирасига олиб кирилган. Тадқиқот ҳудудидаги ўзлаштирилган арзиқ тупроқли ерларнинг экомелиоратив ҳолати ва тупроқ кесимининг тузилиши суғориш даврининг узоқлигига, кўлланилган мелиоратив тадбирлар комплексига, дехқончилик жадаллигига ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда кенг доирада ўзгарган.

М.А.Панковнинг [2.84-85] 1949 йилги тадқиқотларига кўра, конус ёйилмаларининг атроф қуи ҳудудлари ва унинг қанот қисмларини, шунингдек, кўл-пролювиал текисликни, ўтлоқи шўрхок, ботқоқ шўрхок, майин ва қатқалоқли шўрхоклар билан қумлардан иборат комплекслардан иборат бўлган. Майин шўрхоклар, бошқа барча шўрхоклар каби генетикавий қатламларга табақаланмаган тупроқ кесмаси билан характерланади. Кесманинг энг устки қатлами – майин, юмшоқ тузли қатлам бўлиб, унинг қалинлиги 1-10 см ва ундан кўпроқ. Бу қатлам тупроқ массаси билан араплашган Na_2SO_4 , $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ уступорлигидаги тузларнинг майда кристалларидан таркиб топган. Майин қатлам остида қатламларга табақаланмаган ётқизиқлар ётади. Улар кесимида доғлар, нозик томирчалар, турли катталиқдаги кристаллар шаклидаги туз ажралмаларининг ва баъзан гипс кристалларининг бир-бирига ёпишишидан ҳосил бўлган друзалар ва ҳашаротлар инлари ҳамда томирлар кўринишидаги туз тўпламмаларининг катта миқдори аниқ ифодаланган. Кўпинча кесим бўйлаб сариқ, занг ва ҳаворанг – кўкимтир доғлар кўринишидаги ботқоқланиш белгилари кузатилади. Бу тупроқлар, одатда, майин қатлам остиданоқ кучли гипслашган бўлиб, гидроморф гурухга мансубдир.

Устки қатламларнинг чириндиға бўялиши ёмон ифодаланган. Майин шўрхоклар маданий воҳалар яқинида шўрхокли ўтлоқи тупроқлар орасида, минераллашган сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган ерларда доғлар шаклида учраган. Улар Марғилон воҳасининг ташки чегараси, яъни чўл қисми бўйлаб, водийнинг бошқа конус ёйилмаларидагига нисбатан кўпроқ тарқалган.

Қатқалоқли-майин шўрхоклар сизот сувлари чуқурроқ бўлган баландроқ майдонларни банд қилган. Қатқалоқли-майин шўрхокларнинг морфологияси қуидаги ўзига хос ҳусусиятлар билан ажралади: тупроқ юзасида нотекис, дағал, мўрт, қалинлиги 1-5 см бўлган губкасимон ғовакли, оч сур тусли қатқалоқ жойлашган. Қатқалоқдаги оҳак, гипс ва

натрий хлорид тузи кўпчиликни ташкил қиласи. Қатқалоқ остида 1-2 см дан 15-30 см гача қалинлиқдаги оч сур ёки оқиш тусли юмшоқ, майда тупроқ жинси билан араплашган, Na_2SO_4 уступорлигидаги тузларнинг майда кристалларидан таркиб топган қатлам ётади. Майин қатлам остида тупроқка зич ёпишган тузли қобиқ жойлашган.

Тузли қатламлар тагидан генетикавий қатламларга мутлақо табақаланмаган гипслашган тупроқ таги жинслари бошланади. Тупроқ таги жинслари кесманинг юқори қисмиданоқ занг ва кўкимтир доғларга эга, улар миқдори пастга томон ортади. Тузли янги яралмаларнинг миқдори ва тарқалиши механик таркибга, тупроқ таги жинсларининг сув хоссаларига ва сизот сувларининг тартиботига боғлиқ. Тузларнинг катта миқдори, кўпинча капилляр йўлларнинг узилган, турли механик таркибли қатламларнинг туташган жойида аккумуляцияланган.

Тадқиқотларда ажратилган тупроқлар кесимида гипс ва карбонатларнинг миқдори катталигига эътибор берилгани ҳолда улар оддий шўрхоклар сифатида таҳлил қилинган. Кейинроқ, кесимида катта миқдорда гипс ва карбонатли қатламлари бўлган кучли шўрланган тупроқлар ва шўрхоклар алоҳида тип-арзиқли шўрхоклар типи сифатида ажратилди. Аммо улар XX асрнинг 80-йиллари бошларида, ўзлаштирилган тупроқлар ичидаги кичик-кичик майдончаларда доғлар шаклида сақланиб қолди [1.42-83]. Улар билан бирга ўзлаштириш учун тайёрланган ва мелиорация тайёргарлигига бўлган, шунингдек, ўзлаштириш учун қилинган ҳаракатларнинг натижасизлигидан ташлаб кўйилган ерлар ҳам кўп эди. Бу тупроқлар учун бутун кесма бўйича оғир механик таркиб, кучли шўрланиш, гипс ва карбонатлилик, ўта зич қовушма характеристидир.

Тавсифлари юқорида келтирилган майин, қатқалоқли-майин ва қатқалоқли шўрхоклар ва уларнинг арзиқли аналоглари ушбу тупроқларда кечган, кечаётган эволюцион жараёнларни тадқиқ этишда илмий-тарихий аҳамиятга эга, чунки ҳозирги вақтда бу тупроқлар қўриқ ҳолда Марказий Фарғона ҳудудида учрамайди, улар тарқалган майдонлар суғориладиган дехқончилик учун ўзлаштирилган. Фақат сувориш ва бошқа антропоген тадбирлар арзиқли тупроқларнинг морфологиясига ва бошқа хоссаларига турлича таъсир қилган.

Арзиқли тупроқларни ўзлаштириш бошланганига 50-70 йил, тугалланганига 35-40 йил бўлди. Антропоген омилнинг юқорида кўрсатилган таъсирни доирасида ўзлаштириш даврининг узоқлигига, шунингдек, кўлланилган тадбирлар тизимиға боғлиқ ҳолда тупроқлар кесими кенг қамровли ўзгаришларга учради.

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

М.А.Панков [2.84-85] бўйича юқорида тавсифи келтирилган тупроқлар ўзлаштиришнинг илк даврлариданоқ суфориш ва бошқа қатор тадбирлар натижасида жадаллик билан ўзгаришга юз тутиб, уларда келтирилмаётқизиқлар ҳамда юза (30 см) қатламларга ишлов беришлар таъсирида агроирригацион гумусли қатламлар шакллана бошлаган. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, мазкур тупроқларнинг кесма тузилиши маданийлашган воҳа тупроқлари кўринишига келиб қолган. Бу даврга келиб тупроқлар кесими тузилишидаги ўзгаришлар асосан антропоген омил таъсиридаги бузилган мувозанат омилларининг енгилишига томон силжиган.

Эндилиқда ўзгаришлар жадаллиги сустлашди ва ҳозирда улардаги ўзгаришлар суфориш таъсирида кўриқ тупроқлардагига нисбатан фарқли ўлароқ жадал, лекин ўзлаштиришнинг илк даврларидағига нисбатан суст ҳолда давом этмоқда. Ўзгаришлар кўлами кейинги 30-40 йил давомида кесма тузилишида айrim компонентлар шаклларининг ўзгариши, уларнинг кесма қатламлари бўйлаб миқдорий ўзгаришлари каби кўринишларда ва яна тупроқнинг кимёвий таркибида ўз ифодасини топган.

Хусусан, тадқиқотлар натижасида кўрилган тупроқларда тупроқ қатламининг қалинлиги ва гипсли қатламнинг ётиш чуқурлигига кўра кучли комплекслилик пайдо бўлган. Бунга ер текислаш ишлари сабаб эканлиги юқорида таъкидлаб ўтилган. Суфоришнинг гипс шаклларига таъсири аниқ ифодаланади. Гипснинг нозик ва майда кристаллари ва уларнинг ҳосилаларидан иборат гипсли қатлам (гипс аморф ҳолда бўлиши ҳам мумкин), одатда ер юзасига яқин жойлашган. Кристалларнинг ўлчамлари кесманинг чуқур қатламларида йириклишади, улар чуқурлик сари нинасимон, ромбоэдрик ва тангасимон шаклларга киради. Гипсли қатламларда гипснинг ювилишидан далолат берувчи суффозия ҳодисаси аниқ ифодаланган. Бу ҳодиса вақт ўтиши билан кучайиши мумкин.

Майда кристалл гипсли қатламда табиий ҳолда гипс миқдори анча кўп, ранги эса оқ. Суфориш жараёнида юқоридан пастга ҳаракат

қиладиган суфориш сувлари ҳайдалма қатламдан майда заррали тупроқ массасини гипсли қатламга оқизиб туширади ва уларни гипс кристаллари орасидаги бўшлиқларга ётқизади. Гипсли қатламда эса гипс кристалларини қисман эритади ва майда кристалларни ювиб, пастроқ туширади. Суфоришнинг давомийлиги қанча кўп бўлса, бу жараён натижаси шунчалик аниқ намоён бўлади. Бу жараёнлар натижаси сифатида оппоқ гипсли қатлам хиралашган оқишсур тусли майда жинсли-гипсли лой-тупроқ аралашган қатламга айланган.

Тупроқларнинг ҳайдалма қатлами суфориш, ишлов бериш ва бошқа тадбирлар таъсирида бир жинсли ҳолга келган. Гипс ва арзиқ яралмалари қисман эриб ювилган, қолган кристалларнинг ўлчамлари янада кичрайган, тупроқ билан қоришиб, фарқлаб бўлмайдиган бўлиб қолган. Органик қолдиқ миқдори ҳам ошган. Бунинг натижасида илдизчалар ҳайдов ости қатламига ҳам кириб борган. Улар қатламнинг юқори қисмida анча кўп, қуйиси томон кескин камайган. Структура бўлаклари орасидаги ёриқларда майда илдизчалар мавжуд. Бу қатламда тузларнинг ювилиши каби ҳодиса кучлироқ ифодаланган. Ҳудудда гипснинг ювилишидан ҳосил бўлган бўшлиқлар, сув йўллари ва гирдобрлар учрайди. Улар бўшоқ тупроқ массаси билан тўлган. Улар ичида ўсимлик илдизлари яхши ривожланган. Кесмаларнинг қуий қатламларида суффозия жараёнлари натижаларини ҳам кузатиш мумкин, аммо улар кучиз ифодаланган ва ҳамма жойда эмас.

Юқоридагиларга кўра, тадқиқот обьекти тупроқларидағи ўзгаришлар йўналишининг боришида антропоген омил тупроқлар тадрижий ривожланишидаги турғун даврни ҳаракатга келтирувчи, тупроқ ҳосил бўлиши ва ривожланишидаги айrim омиллар (иклим, ўлка ёши)га таъсирини кўрсата олмаган ҳолда бошқа омиллар (она жинс, рельеф, ўсимлик ва ҳайвонот олами)нинг фаол ўзгаришини бошқарувчи омил сифатида намоён бўлиши билан ўзига хослик касб этади. Эндилиқда, мазкур омил ҳаракатини тўғри йўналишларда олиб бориш ҳудуд тупроқлар билан боғлиқ барча масалаларнинг ечими бўлиб хизмат қила олади.

Адабиётлар:

1. Камилов О.К., Исаков В.Ю. Генезис и свойства окарбоначенно-загипсованных почв Центральной Ферганы. -Т.: Фан, 1992.
2. Исақов В.Ю., Мирзаев У.Б. Марказий Фарғонада шаклланган арзиқли тупроқларнинг хоссалари ва уларнинг инсон омили таъсирида ўзгариши. – Т.: Фан, 2009.
3. Рекомендации по мелиоративной оценке, освоению и использованию гипсоносных почв по орошаемому земледелию.- Почвенный институт им. В.В.Докучаева. – М., 1979.
4. Турдалиев А. Марказий Фарғона ерларидағи арзиқ-шоҳли, шоҳ-арзиқли қатламлар генезиси, физик-кимёвий ва биогеокимёвий хусусиятлари.: б.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т.: 2016.
5. Қўзиев Р.Тупроқлар эволюциясининг жадаллиги ва характеристи. – ФарДУ. Илмий хабарлар. –2015. – №1.